

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўёзма ҳукукида

УДК:

НУРФАЙЗИЕВА МОХИНУР ЗАЙНИДДИНОВНА

ТУРИСТИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт фанлари) бўйича
фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Амонбоев Маҳаммадсидик,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

ТОШКЕНТ 2022

МУНДАРИЖА

Кириш		3
I-боб	Туризм бизнес субъектлари рақобатбардошлигининг илмий-назарий жиҳатлари	13
1.1	Туризм хизматлари бозорида бизнес субъектларнинг иқтисодий табиати	13
1.2	Туризм хизматлари бозорида рақобатнинг ўзига хос хусусиятлари	28
1.3	Туризм бизнес субъектлар рақобатбардошлигини оширишда хориж тажрибаси	43
I- боб бўйича хулосалар		53
II-боб	Туризм бизнес субъектларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари таҳлили	54
2.1	Туризмда рақобатбардошлик кўрсаткичларининг ҳисоблаш усуллари	54
2.2	Туризм бизнеси субъектлари фаолиятида рақобатбардошлик кўрсаткичларининг таҳлили	65
2.3	Жаҳон туризм бозорида туристик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини баҳолаш	81
II- боб бўйича хулосалар		81
III-боб	Ўзбекистонда туристик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари	95
3.1	Туристтик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини оширишда ташкилий механизмларини такомиллаштириш	95
3.2	Ўзбекистон туризм бизнеси субъектларининг рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	106
3.3	Туристтик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини оширишнинг йўналишлари	128
III- боб бўйича хулосалар		142
Хулоса		143
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		147

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги ўн йилликда туризм кўплаб мамлакатларда иқтисодиётга катта фойда келтирадиган динамик соҳалардан бирига айланмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, “туризм соҳаси даромадлик даражасига кўра фақат нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоғидан кейин туради. Туризм ҳиссасига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг деярли 6%, жаҳон инвестиция ҳажмининг 7%, ҳар 16 та иш ўрнининг биттаси, жаҳон истеъмол сарфларининг 11% ва барча солиқ тушумларининг 5% тўғри келади. Шунга кўра кўплаб мамлакатларда туризм соҳаси давлатнинг қўллаб-қувватлаши остида жадал ривожланмоқда”¹. Айни пайтда туризм рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим ҳисобланиб, ушбу ҳолатни таҳлил қилиш орқали мамлакатларда туризм салоҳияти истиқболини прогноз қилиш, туризм бозоридаги устунликларини аниқлаш ва туризмни бошқаришда стратегияларни аниқлаб олиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда глобаллашув ва халқаро миқёсдаги рақобатнинг кескинлашуви шароитида туризм соҳасининг ривожланиши омиллари ва йўналишларига оид муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Туристик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш, соҳа хизматларига бўлган истиқболдаги талабни рағбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм хизматларини кўрсатувчи субъектлар: транспорт компаниялари, рақамли платформалар, туристик товар ишлаб чиқарувчи корхоналар, жойлаштириш воситалари, овқатлантириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар, реклама ва маркетинг компаниялари, молиявий, суғурта, тиббий хизматларни кўрсатувчи корхоналар ва бошқа корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш, туристик объектлар сифатида маданий ва табиий бойликларни сақлаш, рақобатбардош туризм саноатини яратиш, туристик бизнес субъектлар рақобатбардошлигини

¹ Казыбайкызы А., Муханова А.Е., Смагулова Ж.Б. Особенности и перспективы развития туризма в мире // Успехи современного естествознания. – 2015. – № 1-2. – С. 265-269; URL: <https://natural-sciences.ru/ru/article/view?id=34827>

оширишнинг мамлакат барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга таъсирини ўрганиш, рақобат имкониятларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда янги тараққиёт стратегиясини амалга ошириш шароитида туризмга иқтисодиётнинг етакчи ва истикболли соҳаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавжуд туристик объектларнинг жозибадорлигини ошириш, янги туристик объектларни барпо этиш ҳамда турларини кўпайтириш ҳисобига кенгайтириш, туристик инфратузилма ва хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш, сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ташқи ва ички туризмни рағбатлантириш ҳисобига соҳа салоҳиятидан фойдаланишни ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш, туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ доллариغا етказиш² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш энг аввало юқори сифатли туризм хизматларини таклиф этиш, туристик бизнес субъектлар фаоллигини кучайтириш, ташқи ва ички туризм йўналишларини ҳар томонлама кенгайтириш, янги туризм маҳсулотларини туризм бозорларида реализация қилиш орқали туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, мамлакатнинг туризм имижини ривожлантиришга қаратилган ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш орқали мамлакатдаги туристик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини оширишни илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. – www.lex.uz